2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

37 (639)

2008 йил 10 сентябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2 ▶ Кўтармага хуш келибсиз, келинжон!
▶ «Футболимиз келажаги» миллионларни чорлайди

3 ▶ Ҳусни исмига мос маскан
▶ Деҳқон қизи эди, фермер бўлди...

4 ▶ Оч итни тўйдириб ўзи оч қолди...
▶ Кунгабоқар нега ерга боқади?

Ўзбекистон Президентининг Озарбойжонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2008 йил 11-12 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

2008 йил – Ёшлар йили

ЯНГИ КОЛЛЕЖЛАР

Жорий ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 12 янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

Нишон туманидаги Нуристон қўрғонида қад ростлаган 654 ўринли саноат-энергетика касб-ҳунар коллежи мактаб битирувчилари учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. «XXI аср» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан бунёд этилган мазкур иншоот кенг ва ёруғ синфхоналар, ўқув-лаборатория, компьютер, лингафон, кимё-биология хоналари, спорт зали ва кутубхонага эга.

— Бу йил фойдаланишга топширилган коллежлар қишлоқларда жойлашган бўлиб, агробизнес, саноат, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат, иқтисодиёт, ахборот технологиялари, педагогика, спорт ва транспорт соҳаларига ихтисослашган, — дейди Қашқадарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М.Юсупов. — Вилоятимизда мазкур ихтисосликлар бўйича кадрларга талаб катта. Янги коллежларда ўқув машғулотлари бошланди.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳудуддаги замонавий таълим масканларидан бири ҳисобланади. Айни кунда бу ерда 714 нафар ёшлар таҳсил олмоқда. Уларга 53 нафар педагог-мутахассис таълим бермоқда. Коллежда 40 та фан хоналари ва устахоналар бўлиб, уларнинг ҳар бири замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Талабалар банк иши, тикувчилик, маиший асбоб-ускуналар устаси каби йўналишларда билим олмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

Тошкент вилояти

СОҒЛОМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини — оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эзгу анъана ва қадриятларни ривожлантириш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Меҳр нури" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Оила саломатлиги" акцияси ва телемарафони ҳам ана шу олижаноб мақсадга қаратилган. Самарқандда ташкил этилган тадбирда фаол хотин-қизлар, туман ва шаҳарлардан келган спортчи оилалар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб марафонда иштирок этган оилалар спортнинг беш тури бўйича ўз куч ва имкониятларини намойиш этди. Ғолиблик Окдарё туманидан келган Бердиёров оиласига насиб этди. Кейинги ўринларни жомбойлик Маматқулов ва пастдарғомлик Абдиев оилалари эгаллади.

Тадбир доирасида вилоятдаги турли ташкилот ва корхоналар, ўқув юртлари, ижодиёт уйлари, тиббиёт масканлари ҳамда маҳаллалар вакилларининг тасвирий ва амалий санъат, миллий ҳунармандчилик, тадбиркорлик йўналишларидаги кўргазмалари ташкил этилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Жиззах вилояти

ТАШАББУС ТЎЙГА АЙЛАНДИ

Жиззах шаҳридаги Ёшлик маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси кўмагида «Етти гўзал» тўйхонасида кам таъминланган оила фарзанди Ҳолмурод Усмонов ва Гулчирой Шоюсупованинг никоҳ тўйи, боқувчисини йўқотган оилада вояга етаётган Ғолибжон Носиров ва Азимжон Ропиевларнинг хатна тўйлари ўтказилди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган «ЎзЭКСАИД» қўшма корхонаси, «Шаҳриёр-омад» хусусий фирмаси, «Жиззахдон» акциядорлик жамияти, «Ишонч-кредит» маркази, «Жиззах-Олимпик» корхонаси тўйнинг янада файзли бўлишида ўз ҳиссасини қўшди.

Шаҳарлик бир гуруҳ саховатпеша инсонлар ёш келин-куёв ва тўйболаларга эсдалик совғаларини топширишди. Тўй кечасида вилоят санъаткорларининг «Бахтимизга бор бўл, маҳаллам!» концерт дастури ўзгача файз киритди.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

«МАҲАЛЛА – ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ»

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Ҳамза туманида жойлашган Бобур номидаги маҳаллада ана шундай номланган учрашув ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан тарихшунос олимлар ҳамда маҳалла оқсоқоли ва фаоллари ўз маърузаларида истиқлол йилларида мамлакатимизда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳар бир соҳада эришилган ютуқлар хусусида тўхталиб, миллий-маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ёшлар тарбиясида маҳалланинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишди.

Тадбир сўнгида ёш спортчилар ва санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир. Бу борада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани айниқса эътиборга сазовор.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов томонидан шу йил 1 май куни имзоланган фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган давлат дастури амалга оширилаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан ушбу фармоннинг аҳамияти, унда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида суҳбатлашдик.

— Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони замирида давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ истиқболга мўлжалланган сиёсати ўз ифодасини топган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури беш қисмдан иборат. Дастурда инсон ҳуқуқлари соҳасига доир қонунчиликни янада такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини мониторинг қилиб бориш, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятини кенг ёйишга қаратилган таълим ва маърифий, шунингдек, ахборот-тарғибот таъминоти бўйича тадбирлар кўзда тутилган.

Бугунги кунда ушбу тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда.

— Дастур ва унинг ижроси ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...

Дастурнинг дастлабки қисми инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчиликни такомиллаштиришга бағишланган. Хусусан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 2-Қўшимча протоколига қўшилиш Президентимизнинг Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ ташаббусининг мантиқий давомидир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, мамлакатимиз ўз ҳудудида ўлим жазоси қўлланилишини бекор қилиб, ушбу Қўшимча протоколга қўшилмоқда.

Яна иккита қўшимча протокол эса Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция протоколларидир. Ўзбекистоннинг мазкур қўшимча протоколларга қўшилишида 2008 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълон қилингани ва мамлакатимизда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун кучга киргани муҳим омил бўлмоқда.

Дастур инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир қонунчиликка риоя этилиши мониторинги билан боғлиқ тадбирларни ҳам ўз ичига олган. Бу, табиийки, Ўзбекистонда амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таркибий қисмига айланганидан далолатдир.

(Давоми 2-саҳифада)

Юртимиз спортчилари доврули

ТЕМУРнинг НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Москва шаҳрида ўтган профессионал бокс кечасида Темур Иброҳимов ўз фаолиятидаги йигирма тўртинчи ғалабасига эришди.

Ўта оғир вазн тоифасидаги беллашувларда иштирок этаётган боксчимиз навбатдаги жангини америкалик Кевин Монтига қарши ўтказди. Саккиз раундлик баҳс ҳамюртимизнинг тўлиқ устунлигида ўтди.

Эслатиб ўтамиз, Кевин Монтига қарши ўтган баҳс профессионал боксчилик фаолиятини саккиз йил муқаддам бошлаган 33 ёшли боксчимиз Темур Иброҳимовнинг жорий йилдаги иккинчи жанги бўлди. 2008 йилнинг 26 июль куни ўтказилган аввалги жангда ҳамюртимиз АҚШ вакили Эндрю Ґрелейни очколар ҳисобида мағлуб этганди.

ОҚГУЛ — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Индонезиянинг Бали шаҳри мезбонлик қилаётган Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) мусобақалар тақвимидан жой олган халқаро теннис турнирида дунёнинг энг кучли ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова ҳам фаол иштирок этмоқда.

Турнирнинг дастлабки босқичида мезбонлар вакили Аю Фани Дамаянтига қарши кортга чиқиб, рақибасидан ҳар томонлама устунлигини исботлаган О.Омонмуродова 6:2, 6:1 ҳисобида зафар қучиб, кейинги босқичга йўлланма олди.

ДЕҲЛИДАН ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан эркаклар ўртасида ўтказилаётган "Фьючерс" халқаро турнирида дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган ракетка усталари қаторида ҳамюртимиз Важа Узоқов ҳам иштирок этмоқда.

Иқтидорли теннисчимиз мусобақанинг жуфтликлар ўртасидаги беллашувларини ғалаба билан бошлади. Мезбонлар вакили Рахил Махария билан ҳамкорликда биринчи босқичда Ҳиндистон теннисчилари – Пратик Бҳамбри ва Абхижит Тивари дуэтини 6:4, 4:6, 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бунгача қатор халқаро турнирларда муваффақият қозонган Важа Узоқов "Фьючерс" мусобақасининг яккаликлар баҳсида биринчи учрашувни мезбонлардан Ронак Мануяга қарши ўтказади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Ўзбек йигитининг мушти қаттиқ бўлади!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.
Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Дастурнинг учинчи қисми Декларация ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ҳамда тарғиботга оид чора-тадбирлардан ташкил топган. Олий ўқув юртларидан тортиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қадар "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курсини, мактабларда эса "Бола ҳуқуқлари" дарсларини жорий этиш, журналист кадрларни тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурларини киритиш шулар жумласидандир.

Дастурнинг кейинги қисми тегишли тадбирларнинг ахборот-таҳлилий таъминотини ўз ичига олади. Жумладан, таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ташкил этилмоқда. Бу мавзуда оммавий ахборот воситаларида, телевидение, радио, газета ва журналларда, Интернет саҳифаларида махсус чиқишлар қилинаётир.

Шу мавзуда турли рисолалар, ўқув қўлланмалари, шарҳлар, тўпламлар чоп этилаётгани алоҳида эътиборга сазовор. Президентимизнинг фармони кучга киргани дан буён ўтган қисқа вақт ичида биргина Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг матни бир неча тилларда нашр этилиб, мамлакатимиз ҳудудларида тарқатилди. «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг 2008 йил 3-сони Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланди. "Бола ҳуқуқлари: халқаро шартномалар тўплами", "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг факультатив протоколлари" тўплами нашрга тайёрланди. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган дастур доирасида истиқболда яна қандай ишлар амалга оширилади?

— Бу ўринда, аввало, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштиришга жиддий аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Президентимизнинг фармонида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази зиммасига Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура таркибидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи тузилмалар фаолиятини танқидий ўрганиб, тегишли амалий таклифлар киритиш вазифаси юклатилган.

Айни вақтда ана шу йўналишда зарур чора-тадбирларни амалга оширишга киришилган бўлиб, ушбу ишлар Юртбошимиз қўйган юксак талаблар даражасида ва белгиланган муддатларда тўла адо этилади. Зотан, бу — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳонийлиги принципини рўёбга чиқаришда фуқаролик жамияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш борасида тўғридан-тўғри ва мунтазам таъсир кучига эга бўлган маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти айниқса беқиёсдир. Аҳолининг турли ижтимоий қатламларига аниқ манзилли ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари нодавлат нотижорат ташкилотларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқни ҳимоя қилиш мавзуига, даврий матбуот саҳифалари, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда аҳолини қизиқтирадиган ҳуқуқий масалалар бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга катта эътибор қаратаётгани қувонарлидир.

Яна бир эътиборли жиҳат. Декларация қабул қилинган кунда мамлакатимиз таълим масканларида умуммиллий дарс ташкил этилади. Юртимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналарида мазкур санага бағишланган тадбирлар ўтказилади.

Ушбу санани нишонлашдан кўзланган асосий мақсад инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашув, билим ва маданиятни шакллантиришда тутган бемисл ўрни ҳамда аҳамиятини янада кенг тарғиб этишдир.

Декларация юбилейини ўтказиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсати ҳақида, мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар тўғрисида кенг кўламда ахборот тарқатишда муҳим ўрин тутади.

Ф.БЎТАЕВ суҳбатлашди.

Гурунг...

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.

«MAHALLA»га обуна бўлсангиз йил давомида қизиқарли нашр сизнинг ҳамроҳингизга айланади.

«Футболимиз келажаги» турнири

Маълумки, мустақиллик йилларида юртимизда спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад нафақат юртимиз довруғини дунёга таратувчи машҳур спортчиларни тарбиялаш, балки келажагимиз, эртанги кунимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан етук бўлиши, соғлом улғайишига эришишдан иборат. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам ўрни катта.

БОШ СОВРИН — САМАРҚАНД СПОРТЧИЛАРИДА

Кейинги йилларда вилоят марказлари ва шаҳарларда замонавий кўринишдаги спорт мажмуалари, олис қишлоқ ва овулларда, маҳаллаларда спорт майдончалари бунёд этилмоқда. Аҳоли ўртасида спортни оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маҳалла фаолларининг энг муҳим вазифалари қаторида турибди.

2004 йил 1 июнда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви Республика Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 2004-2008 йилларда «Футболимиз келажаги» республика турнирини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шунга асосан ҳар йили мазкур турнир 4 та ёш тоифасида, яъни 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда анъанавий «Футболимиз келажаги» республика турнирида жами 607878 нафар ўсмир қатнашди. Бу кўрсаткич болажонларимизнинг спортга, хусусан, футболга бўлган қизиқишлари йилдан йилга ортиб бораётганини кўрсатади. Уларнинг қизиқишларини тўғри йўналтириш, ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришлари учун имконият яратиб бериш ва рағбатлантиришда ушбу турнирнинг аҳамияти беқиёс. Турнир мусобақаларининг саралаш босқичлари юртимизнинг 8394 та маҳалласида юқори савияда ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур турнир даставвал маҳаллалараро, сўнгра туман ва шаҳар, вилоят ва минтақавий, ниҳоят республика финал босқичи мусобақалари шаклида ўтказилади. Хусусан, жорий йилнинг 6-12 июль кунлари Жиззах ва Самарқанд шаҳарларида 11-12 ёш тоифасидаги маҳалла ўсмирлари ўртасида бўлиб ўтган минтақавий босқич мусобақаларида турнирнинг вилоят босқичларида ғолиб бўлган жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашишди. Турнир натижаларига кўра, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Ваҳим, Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Хайриобод, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги Регистон ҳамда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги Дўстлик маҳаллаларининг ёш футболчилари биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб, турнирнинг финал босқичига йўлланмани қўлга киритишган эди.

Жорий йилнинг 6-7 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуасида «Футболимиз келажаги» республика турнирининг якуний босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Унда юқоридаги тўрт жамоа ғолиблик учун майдонда тўп сурди. Дастлаб ярим финал мусобақаларида Андижон вилояти жамоаси Хоразм вилояти вакилларини, самарқандликлар эса жиззахлик ёш футболчиларни мағлубиятга учратиб,

финал йўлланмасини нақд қилдилар. Шундан сўнг турнир биринчилиги учун кечган баҳсларда Самарқанд вилояти жамоасининг қўли баланд келди. Улар андижонлик футболчи ёшларни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, «Футболимиз келажаги» турнирининг 11-12 ёшлилар ўртасида бош совриндорига айландилар. Қизғин ва муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра, Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Ваҳим маҳалласи жамоаси иккинчи, Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги Дўстлик маҳалласи эса учинчи ўринларни банд этишди.

Мусобақа якунида жамоалар ва уларнинг аъзолари ҳамда «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ўйинчи», «Энг яхши дарвозабон» номинациялари ғолибларига Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Н.БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.
Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ер эгаси ютуви

Бухоро вилояти

ҚАЛҚОНЧИга мадад берган ҚУРБОН ФЕРМЕР

у ҳамқишлоқларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда

Когон туманидаги Ниёзҳожи кишлоқ фуқаролар йиғини ўрамидаги Қалқончи қишлоғида истиқомат қилувчи Қурбон Жабборов деҳқончиликнинг ҳадисини олган юртдошларимиздан.

Узоқ йиллар собиқ Баҳоуддин Нақшбанд номидаги ширкат хўжалигида ҳосилот вазифасида ишлаган Қурбон ака икки йил аввал пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган «Бобур Нодир Севинч» фермер хўжалигига асос солди. Мана, икки йилдирки фермер хўжалиги давлатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш бўйича белгиланган шартномавий режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Жорий йилда фермер хўжалиги ҳисобидаги мавжуд 27 гектар экин майдонининг 7 гектарида дон, 20 гектарида пахта етиштирилди.

Фермер хўжалигида 21 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, уларга ойлик иш ҳақи ўз вақтида бериб келинмоқда. Албатта, унча катта бўлмаган хўжалик учун бунча иш ўрнини сақлаш иқтисодий самара бермайди. Лекин Қурбон аканинг омилкорлик билан узоқни кўзлаб иш юритиши, ҳар бир қарич ердан юқори ҳосил олишга интилиши ҳамда хўжалик аъзоларининг баҳамжиҳат меҳнат қилаётгани туфайли ҳеч қандай муаммо юзага келмаяпти. Масалан, бу йилги ғалла ҳосили белгиланганидан анча юқори бўлди. Ҳар бир хўжалик аъзосига меҳнатига яраша дон тарқатилди. Фермернинг таъкидлашича, ишчиларнинг такрорий экинларда ҳам улушлари бор.

— Даромадни тежаш яхши одат. Бироқ жамоа аъзолари ўртасида уни адолатли тақсимлаб, ишчиларнинг ерга муносабатини ўзгартириш, меҳнатига яраша рағбатлантириш ундан-да яхши. Чунки бу усул орқали келгусида даромадни янада кўпайтиришга эришиш мумкин. Кўп йиллик ҳаётий тажрибаларим асосида келганим ана шу хулосага амал қилиб, кам бўлмаяпман, — дейди Қурбон ака.

Айни пайтда фермер хўжалигининг пахта майдонларида йиғим-терим ишлари бошланган. Хўжалик аъзолари бу йилги мавсумда режадаги 60 тонна ўрнига 90 тонна юқори сифатли хомашё йиғиштириб олишга ахд қилишган.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бандлик муаммоси ечими

Оролбўйи ҳудудидаги овул ва шаҳарларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ОВУЛ ЁШЛАРИ ИШЛИ БЎЛДИ

Бунда айниқса, жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари катта самара беряпти. Хусусан, Кегейли тумани марказида жойлашган ҳамда Халқобод шаҳри Қозонкетган овулидаги касб-ҳунар коллежларида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида 53 та корхона ва ташкилотлар қатнашди. Ярмаркалар натижасида кўра, 143 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Худди шундай тадбир Мўйноқ туманида ҳам ташкил этилди. Унда 80 нафар ёш бўш иш ўринларига йўлланма олди.

Асил БЕК

Муносиб тақдирланганлар

Андижон вилояти

ҚУВОНЧИНГНИ ТУЙДИМ, ТАШВИШИНГНИ СУЙДИМ, МАҲАЛЛАМ!

Хўжаобод туманидаги Кўтарма маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожибархон Йўлдошева Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан юксак мукофот — «Дўстлик» орденига сазовор бўлгани ҳақидаги қувончли хабарни эшитибоқ ҳам Тожибархонни муборакбод этиш, ҳам фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан танишиш мақсадида Кўтарма маҳалласига ошиқдик.

Маҳалла идорасида йиғин ходимлари — йиғин раиси Тўлқинбой Мамасаидов, котиба Мақсудахон Камолова, посбонлар сардори Бадриддин Аҳмаджонов ва Тожибархон опа маҳалла юмушлари юзасидан режалар тузишаётган экан. Маслаҳатчини юксак мукофот билан қутладик.

— Бу мукофотни мен давлатимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан, аввало, маҳалла тизими фаолиятига, қолаверса, ўз фаолиятимга эътибор ва ишонч нишонаси деб биламан, — дейди Тожибархон опа. — Ишонч эса ўз ўрнида кишида масъулият ҳиссини уйғотади. Зиммамиздаги масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда маҳалламиз, юртимиз равнақи йўлида баҳоли қудрат ишлаяпмиз. Юксак мукофот олганим ғайратимни юз чандон оширди, десам муболаға бўлмайди. Ҳар бир маҳалладошимнинг қувончимга шерик бўлганини кўриб, кўксим тоғдек кўтарилди.

Маҳалламизда икки ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири учун ёшига, касбига, оилавий шароитига қараб алоҳида муомала, муносабат қилиш, бир сўз билан айтганда, кўнглига йўл топиш лозим. Бу борада маърифий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга, чунки тарбиявий, ахлоқий таъсир кучи бор, одамийликдан сабоқ берувчи айнан шундай тадбирлар маҳалладошларни бирлаштиради, ҳамжиҳатликка ундайди. Бу фикримни бошқа маслаҳатчилар ҳам тасдиқлайди, деб ўйлайман. Ҳар йил бошида йил давомида ўтказиладиган тадбирларнинг аниқ режасини ишлаб чиқамиз. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб номланиши муносабати билан маҳалламизда кўплаб маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, турли беллашув-мусобақалар ўтказдик. Яқинда маҳалламиз миқёсида «Иқтидорли ёшлар» танловини ўтказдик. Ҳар бир ёш ўзи танлаган соҳа бўйича билим ва иқтидорини намойиш этди. «Онам — келажагим боғбони» мавзусида иншо ёзган Зарнигор Ҳайдарова, рақкослар Моҳинур Бахтиёржонова, Турсунбой Мадумаров, рассом Шоҳсанам Юсуфжонова, пазанда Дилнозахон Йўлдошевалар танловда ғолиб деб топилиб, фуқаролар йиғини ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни мустаҳкамлаш йўлида ҳам ўзига хос ишларимиз бор. Мана, масалан, «Хуш келибсиз, қишлоғимизга» деб номланган давра суҳбатини анъанавий тарзда ўтказмоқчимиз. Бу тадбир ёш келинчаклар учун мўлжалланган. Янги оила қурган келин — бировнинг ардоқлаб ўстирган фарзанди, аждодлардан қолган анъанага мувофиқ ўзга хонадонга узатилади. Тўйгача бўлган барча икки қуда ўртасидаги борди-келдилар, куёв билан бир-икки учрашувдан келин бўлмишга тақдири чамбарчас боғланаётган оила, унинг аъзолари, қолаверса, ўзи келин бўлиб тушаётган маҳалла ҳақида етарли маълумот ололмайди. Ана шу ҳолат, кўпинча, оилавий можароларга сабаб бўлишини кузатганман. Шу боисдан янги тушган келинга эрининг хонадони, маҳалла-кўй, унинг одамлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи тадбир ташкил қилсак-чи, деб ўйлаб қолдим. Фикримни маҳалламиз оқсоқоли, ҳаётий тажрибаси бор кайвониларимиз маъқуллашди. Биз яқинда ўтказган биринчи суҳбатда ўтган йили ва шу йилнинг бошидан бери қишлоғимизга тушган 22 нафар ёш келинчакларни таклиф этдик. Уларга маҳалламизда касб ўрганиш борасидаги имкониятларни кўрсатдик, ҳунарли бўлишга чорладик. Энг муҳими, бу ташаббус нафақат келинчакларга, балки қайноналарга ҳам маъқул бўлди.

Дарҳақиқат, ёшларнинг касб-ҳунар, тил ўрганишлари учун Кўтармада катта имкониятлар бор. Тажрибали чевар Зиёдахон Холдорова «Устоз-шогирд» анъанаси асосида иш олиб боради. Шу йилнинг ўзида у 20 дан ортиқ қизларга чеварликни ўргатди. Тадбиркор Феруза хон Зуҳритдинова ташкил этган пазандачилик курсида ҳам 20 га яқин қизлар таҳсил кўрмоқда. Пахта тозалаш корхонаси билан ҳамкорликда 60 нафар хотин-қиз касаначилик асосида иш билан таъминланди. Гулнорахон Сайдалиева, Тўхтасин Шукуровлар ёшларга инглиз ва рус тилларини ўргатмоқдалар.

— Тожибархон опа маҳалламизнинг фидойиси, — дея фикр билдирди Кўтарма маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тўлқинбой Мамасаидов. — Маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилингунга қадар Тожибархон кўп йиллар маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида жамоатчилик асосида ишлаган. Унинг оилавий масалаларда, ёшлар ахлоқи ва тарбияси борасида катта ҳаёт

тажрибасига эга экани фаолиятимизда жуда асқотмоқда. Унинг таклифи билан йиғин қошида ўндан ортиқ отахонларни бирлаштирган «Оталар кенгаши» ташкил топди. Чунки турмушда шундай вазиятлар бўладики, баъзи масалаларни оила бошлиғининг ўзи ҳал этишга ожизлик қилиб қолади. Шундай пайтда ёши улуғ, ҳаётий тажрибаси катта одамнинг маслаҳати жуда зарур. Лекин оилавий турмушга дахлдор масалани ҳар ким билан ҳам муҳокама қилолмайди, киши. «Оталар кенгаши» шундай вазиятларда жуда керакли. Биз ўз тажрибамизда шунга амин бўлдик.

— Маҳалла қайноқ ҳаёт ўчоғи, — дея таъкидлайди Тожибархон опа. — Бу ерда инсон туғилади, камолга етади, умргузаронлик қилади. Маҳалла-кўйчиликнинг ўзига яраша шодликлари, ташвишу муаммолари бўлади. Бу қувончни юрагидан туйган, ташвишини суйган одамгина бу ерда ишлай олади. Бундай одамни мен энг бахтли киши деб ҳисоблайман.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.
СУРАТДА: *Тожибархон опа набираси Моҳларойим билан.*

Йил дастури ижроси — амалда!

Жиззах вилояти

Ёшлар йилининг ўтган даврида Жиззах шаҳрида юзга яқин катта-кичик иншоотлар янгидан бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙЛАР

Хусусан, яқинда қурилиб ишга туширилган Желли-гулли ҳамда Зилол маҳаллаларидаги спорт иншоотлари, тадбиркор Акмал Наимов томонидан қуриб битказилган Халқлар дўстлиги шоҳ кўчасидаги «Ўратепалик» тўйхонаси, Бобур номидаги маҳалла ҳудудида Дилшод Юнусов маблағи ҳисобига бунёд этилган меҳмонхона, Ёшлар шаҳарчаси, «Ором» майдонидаги «Ўрда ёшлар экологик боғи», «Эрмат ота» умумий овқатланиш мажмуалари бугун шаҳар чиройига чирой қўшмоқда.

— Ҳар битта иншоот қурилишига бунёдкор ёшларимизнинг меҳнати сингган, — дейди «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси раиси ўринбосари Валижон Бобоев. — Жорий йилда шаҳар ҳудудидаги кўпқаватли уйларнинг 50 таси мукаммал, 281 таси хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан жорий таъмирдан чиқарилди. 2008 йил манзилли дастурига киритилган янги академик лицей биноси, Қассоблик маҳалласи ҳудудида ёш оилалар учун «Ипотека банки» кредитлари асосида «Диамонд» ва «Наврўз айёми» хусусий фирмалари томонидан бунёд этилаётган 32 хонадонли иккита кўпқаватли уй қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларининг барчаси ёшларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

МУХБИРИМИЗ

Самарқанд вилояти

ҲАМ ИМКОНИЯТ, ҲАМ ИМТИЁЗ

ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ёш оилаларга имтиёзли кредитлар, уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилмоқда.

Бу борада Самарқанд шаҳридаги якка тартибдаги уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилябти.

Ёш оилалар ва фуқаролар томонидан бошқармага уй-жой қуриш учун ер майдони ажратилишини сўраб берилаётган аризалар махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилади. Комиссия ариза берувчининг тақдим этаётган ҳужжатларини, оилавий шароитини яхшилаб ўрганиб чиқиб, сўнг қарор чиқаради. Бунда кам таъминланган, кўп болали оилаларга алоҳида эътибор қаратилади. Комиссия қарорига асосан, йил бошидан буён Самарқанд шаҳри Оқдарё туманига чегарадош атрофидан бир неча оилага 6 сотиҳдан ер майдони ажратиб берилди.

— Бошқармамиз фуқароларга ер-жой ажратиб бериш билангина чекланиб қолмайди, балки қурилиш ишларининг боришини ҳам назорат қилиб боради, — дейди бошқарма бошлиғи Бахтиёр Саъдиев. — Мабодо уй-жой қурувчи олдида моддий қийинчиликлар пайдо бўлса, унга имтиёзли кредит олиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатамиз. Бу эса ўзлари учун ажратилган ер майдонида вақтида уй-жой қуриб ололмаган аҳоли учун қўшимча имконият ва имтиёздир.

Шоира ШУКУРОВА

Тошкент шаҳри

Бир гўшаки, ўз номига муносиб...

Пойтахтдаги Бўстон маҳалласининг ободлигида ҳар бир маҳалладошнинг ҳиссаси бор

Маҳалланг — отанг-онанг. Бу ҳикматни бўстонликлар ўзларига шиор қилиб олишган. Маҳалла-кўйчиликда ўзига хос катта-кичик юмушлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундан ташқари, маҳалладошларнинг дардини тинглай билиш лозим.

Бунинг учун фақат оқсоқолнинг саъй-ҳаракати камлик қилади. Маҳалла ишини юритишда сардордан посбонгача, маслаҳатчидан котибгача барчаси бирдек масъул.

— Аҳилликда ҳикмат кўп экан, — дейди Чилонзор туманидаги Бўстон маҳалласи оқсоқоли Йўлдошхўжа Абдураҳмонов. — Буни кўп йиллик иш тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Мана, ўн йилдирки, маҳалламизда жиноятчилик ёки кўнгилсиз ҳодиса содир бўлгани йўқ. Тушунмовчилик туфайли келиб чиқаётган оилавий низоларни ўзаро баҳамжиҳатликда ҳал этамиз. Маҳалламиз аҳолисининг аксарияти кўпқаватли уйларда истиқомат қилади. Турли миллат вакилларидан иборат бўстонликлар ушбу масканда ҳамжиҳатлик асосида умргузаронлик қилишмоқда. — Юртимизда ёшларнинг билим олишлари, соғлом бўлиб вояга етишлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришлари учун давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилиняпти. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Хусусан, Бўстон маҳалласи ёшларининг 128 нафари олий ўқув юрти талабалари, 35 нафар ўғлонимиз ҳарбий хизматни ўташмоқда. Коллежни, институтни битирган ёки ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар иш қидириб саргардон бўлишмайди. Ўрганган ҳунарлари бўйича тезда ишга жойлашадилар. Маҳаллада бунинг учун шароит бор. Ҳозир маиший хизмат кўрсатиш уйи, тикувчилик цехи, новвойхона ишлаяпти. Яқинда ана шундай корхоналарнинг янгилари иш бошлайди.

— Биз, ёшлар ўқиш билан, иш билан банд, уларнинг тарбиясига, юриш-туришига мактаб, коллеж ёки ота-онаси қарайди, деб бир четда турганимиз йўқ, — деб сўзини давом эттиради оқсоқол. — Биласиз, ёшлар эътиборсиз қолишса, оқибати яхши бўлмайди. Шунинг учун маҳалла — мактаб — оила ҳамкорлигини яхши йўлга қўйганмиз.

— Маҳалламизда 300 нафар ўқитувчи истиқомат қилади, — дея суҳбатимизга қўшилади хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Насиба Раҳматуллаева. — Уларнинг барчасини оилаларга бириктириб қўйганмиз. Бундан ташқари, кўпқаватли уйларда уй-бошилар, йўлакбошилар тайинланган. Улар қўни-қўшниларни йўлаклар ва ҳовлиларни озода, саришта тутишга даъват этишади. Ўз масъулиятини қай даражада уддалаётганлигига қараб уларни имкон даражасида рағбатлантириб борамиз. Ёшларни кўпроқ спортга жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун шароит етарли. Мактабларда, боғчаларда қишки ва ёзги спорт майдончалари ишлаб турибди. Ғафур Ғулом номидаги истироҳат боғи ҳомийлигида кўпқаватли уйлар ҳовлисида болалар спорт майдончаси барпо этилди. Ҳудудимиздаги мактаб, лицей, коллеж, болалар боғчаси билан биргаликда "Бунёдкор ёшлар боғи"ни ташкил қилганмиз. Бу боғда ёшларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказишади. Маҳалланинг волейбол, футбол жамоалари нуфузли мусобақаларда қатнашяпти. Маҳаллалараро ўтказилган "Отам, онам ва мен" оилавий спорт мусобақасида Самиқовлар оиласи ғолибликни қўлга киритди. Яна бир гап. Мана, беш йилдирки, тўйларимиз ихчам, спиртли ичимликсиз ўтказиляпти. Тартиб-интизом бор. Шунинг учун бўлса керак, ёшлар ўртасида жиноятчилик қайд этилмаётир.

Анъанага кўра, Бўстонда ҳам Мустақиллик байрами муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган қариялларнинг ҳолидан хабар олиниб, ҳомийлар томонидан ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва иссиқ кийимлар ҳадя қилинди. Истиқлол шодиёналари олдидан маҳаллада кўпқаватли уйлар, ҳовли-жойлар, кўчалар тозаланди. Одамларимиз қалбида эртанги кунга ишонч, шижоат сўнмас экан, бундай тадбирларни доимо кўтаринки руҳ билан ўтказаверамиз.

Сидқидилдан қилинган меҳнат, албатта, ўз самарасини беради. Бугун Бўстон маҳалласидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини кўриб, кўз қувнайди. Яқинда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан эълон қилинган "Энг ибратли маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси" танловининг Тошкент шаҳри босқичида Бўстон маҳалласининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Н.Раҳматуллаева ҳам ғолиблар қаторидан жой олди. Бу нафақат Бўстон маҳалласи фуқаролар йиғини фаолиятига, балки бўстонликларнинг ҳамжиҳатлигига берилган баҳодир.

Бектош ИСМОИЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

ЭНГ МАШҲУР ШАРШАРА

Ниагара шаршараси пастга оқиб тушиш шиддати бўйича дунёдаги икки йирик шаршара — Жанубий Американинг Паране дарёсидаги Сети-Кедас ва Лаосдаги Кон шаршарасидан кейинги ўринда туради.

Яъни Ниагара сувининг шиддати бир сонияда беш ярим минг куб метрга тенг. Шунга қарамай, Ниагара юқорида келтирилган икки шаршарадан машҳуррокдир. Ҳар йили уни томоша қилиш учун 16 миллион нафар сайёҳ ташриф буюради.

Мутахассислар томонидан Ниагара шаршарасининг ёши тўққиз минг йилга тенглиги тахмин қилинмоқда. Европаликлар илк бор мазкур шаршарани XVII асрда кўришган. Бундан 150 йил аввал эса бу ерда дастлабки меҳмонхона бунёд этилиб, шу пайтдан бошлаб сайёҳлар ташриф буюра бошлаган. Эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган кема ва баржаларни дарёдан пастга оқизиб, уларнинг тошларга урилиб парчаланишини томоша қилиш ўша давр зодагонларининг асосий кўнгилхушликларидан бирига айланган эди.

«Ниагара» номи билан аталувчи музейда саргузаштларга ишқибоз инсонларнинг шаршара устидан ўтиш борасида қилган мардонавор ҳаракатлари қайд этилиб, уларга тегишли бўлган буюмлар сақланади. Америкада жуда кўпчилик шаршара устидан дор орқали ўтишга ҳаракат қилган, бироқ бунга француз акробати Блонденгина муваффақ бўлган. У 45 метр баландликдаги дор орқали Канададан АҚШ ҳудудига ўтган. Италиялик Баллини эса афсуски, бунинг уддасидан чиқолмай, 50 метр баландликдан сувга тушиб кетган ва бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолган.

Қашқадарё вилояти

ҚЎШМА КОРХОНАДА ЯНГИ ҚУРИЛМАЛАР

«Шўртангазмаҳсулот» Ўзбекистон—Швейцария—Буюк Британия қўшма корхонасида йилига 6 млрд. кубометр газни қайта ишлаш, катта миқдордаги суюлтирилган газ ҳамда конденсат ишлаб чиқариш учун мўлжалланган юқори технологик мажмуа — газдан пропан-бутан аралашмасини ажратиб олувчи янги қурилмалар фойдаланишга топширилди.

2006 йилнинг март ойида давлат рўйхатидан ўтган қўшма корхона хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали иккита технологик блокдан иборат бўлган газдан пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмаси, сиқув компрессор станцияси, қуйиш эстакадаси ва суюлтирилган газни сақлаш паркини бунёд этиш мақсадида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси таркибидаги «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси, Швейцариянинг «Zeromax Gmbh» ҳамда Буюк Британиянинг «Arch Energy Ltd» компаниялари таъсисчилигида ташкил этилган эди.

Технологик блокларнинг ҳар бири йилига 3 миллиард кубометр табиий газни қайта ишлаб, ундан 28 минг тонна пропан, 25 минг тонна бутан ҳамда 21 минг тонна конденсат ажратиб олиш қувватига эга.

Хорижий сармоялар ҳисобидан ҳаётга тадбиқ этилган мазкур инвестицион лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши ва лойиҳа-смета ҳужжатлари «Нефтгазсаноатлойиҳа» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишлари эса «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси томонидан амалга оширилди. Қурилмада ўрнатилган юқори технологик асбоб-ускуналар Россия Федерациясидаги «ЛенНИИхиммаш» масъулияти чекланган жамияти, Украинадаги «Илмий ишлаб чиқариш» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда юртимиздаги саноат корхоналари томонидан етказиб берилди.

Э.ҚУРБОНОВ

Андижон вилояти

Бандлик муаммоси ечими

КРЕДИТ – КОРХОНАГА МАДАД

Хўжаобод туманида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, янги иш ўринларини яратишга банклар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, бу борада «Пахтабанк»нинг туман бўлими фаолияти эътирофга сазовор.

— Жорий йил бошидан буён банкимиз томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 213,8 миллион сўм миқдорида кредит бердик, — дейди банк бўлими бошқарувчиси Комилжон Имонов. — «Бонутекстиль» корхонаси асосий мижозларимиздан бири. Биз мазкур корхона билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ишончимизни оқлагани боис, жорий йилнинг бошида фирмага катта миқдорда кредит бердик. Ҳозирда мазкур корхонада 40 нафар хотин-қиз трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда.

Бундан ташқари, тумандаги «Фарёдбек — АНД», «Хумор-Равнақ-Люкс» хусусий фирмалари ҳамда «Табассум» фермер хўжалиги ҳам банкдан олинган кредит маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда янги иш ўринларини яратишди.

Шер АЛИ

Фарғона вилояти

КАСАНАЧИЛИКДА ИМКОНИЯТ КЕНГ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда уй меҳнатига асосланган 8 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Бу йўналишдаги ишлар Тошлоқ туманида ҳам ўз самарасини бермоқда. Шу кунга қадар 250 нафар аҳоли уй меҳнати асосида ишли бўлди.

«Тошлоқпахтатозалаш» акционерлик жамияти, «75-автокорхона», «Хаммус-ҳиммат транс», «Баракот» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек 10 дан ортиқ кичик бизнес субъектларида касаначилар билан шартномалар тузилиб, буюртмалар бўйича турли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Садда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сўкчилик маҳалласида яшовчи Соҳибажон Мамадиева ана шундай касаначилардан бири. У ихчам шаклдаги турли хил сувенирлар тайёрлаш билан шуғулланади. Маҳсулотларга бозорда талаб катта. Шунинг учун ҳам Соҳибахон тайёрлаётган маҳсулотларга буюртмалар кўпайиб бораётир. Шунингдек, туман маиший хизмат уйига касаначи сифатида ишга қабул қилинган Марҳабохон Ризоқулова чиройли дўппилар тикиб, ўз харидорларига эга бўлди.

СУРАТДА: *касаначи Марҳабохон Ризоқулова ўзи тиккан дўппиларни намойиш этмоқда.*

Муқимжон КОДИРОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Жиззах вилояти

Шаҳарчалар ҳаётидан

Зафарободнинг «РАИС БОБО»си

Атрофи дарахтзор ва гулзор билан ўралган Зафаробод шаҳарчаси фуқаролар йиғини идорасига келиб-кетувчиларнинг қадами узилмайди.

Идора биносида раис, масъул котиб, маслаҳатчи, посбон ва профилактика инспекторининг иш хоналари жойлашган. Бу ерда шунингдек, депутатлар хонаси ҳам мавжуд бўлиб, унда вилоят ва туман кенгаши депутатлари турли масалалар бўйича келган фуқароларни қабул қилишади.

Йиғин раисининг қабулхонасида кутиб турар эканман ичкаридан кимнингдир норози оҳангдаги қаттиқ-қаттиқ овози эшитилди. Бошқа биров эса босиқлик билан аста-секин сўзларди. Бироз вақт ўтиб, ичкаридан юзида ризолик аломати намоён ҳолда арзчи, унинг ортидан йиғин раиси чиқиб келди.

— Жорий йилнинг апрель ойида шаҳарчамиз ташкил топганининг 35 йиллигини нишонладик, — дейди Зафаробод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Қаҳрамон Силлиев. — Ҳамшаҳаларимизнинг аксарияти бу ерга чўлқувар сифатида келиб, муқим яшаб қолишган. Айни пайтда ҳудудимиздаги тўртта маҳаллада олти мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Зафаробод шаҳарчаси истиқлол йилларида чирой очди — янги боғ-роғлар, замонавий гузарлар, мактаб, коллеж ва болалар боғчалари, спорт иншоотлари ва майдончалари барпо этилди. Ўндан зиёд чойхона ва савдо дўкони ишга туширилди. Шу билан бир қаторда аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳам анча ошди. Буни шаҳарчада ҳовли тўйлар йилдан йилга кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин.

Қаҳрамон акани зафарободликларнинг каттаю кичиги бирдек ҳурмат қилади, «раис бобо» дея эъзоэлашади. Тўй ва маърака-маросимларни унинг маслаҳатига амал қилиб, камчиқим, ортиқча дабдабаларсиз ва тартибли ўтказишга ҳаракат қилишади.

Яқинда шаҳарчада «Ён қўшним — жон қўшним» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди. Унда ҳудуддаги тўртта маҳалла аҳли ҳам фаол иштирок этди. Фуқароларнинг фаоллигини ошириш ва кўнгилли маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкиллаштиришда бу каби маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Шаҳарча отинойиси Симоной Турдиева имом-хатиб Умар ҳожи Аноров билан биргаликда ёшларни маънавий-маърифий ишларга кенг жалб этиш, улар ўртасида диний ақидапарастлик ғояларининг тарқалишига йўл қўймаслик бўйича иш олиб боришмоқда. Ҳудудда осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишда эса профилактика инспектори Холиқул Кўбаев, посбонлар Норбек Мустафоев, Камолиддин Муҳаммадиев, Асқарбек Мирзабеков ва Холдор Қудратовларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Замондош журъати

Тошкент вилояти

ДЕҲҚОН ҚИЗИнинг ОРЗУСИ УШАЛДИ...

Гулчеҳра деҳқон оиласида туғилиб, қишлоқда ўсиб-улғайган минглаб замондошларимиздан бири. Деҳқон қизи эмасми, эсини танимасиданоқ далага чиқди, ер билан тиллашиб катта бўлди. Сапоевлар хонадонига келин бўлиб тушгач, яна 14 йил колхозда пахта етиштирди, тажриба орттирди. 2003 йилга келиб, истиқлол йилларидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, заҳматкаш деҳқон ҳақиқий ер эгасига айлангач, Гулчеҳрахон ҳам фермер хўжалиги тузишга аҳд қилди.

Кўп йиллар орттирган тажрибаси ана шунда асқотди. Янги тузилган фермер хўжалигини Гулчеҳрахон кўп йиллик орзулари ушалгани шукронасига «Инсон орзуси» деб номлади. Хўжалик учун 23,4 гектар ер майдони ажратилди. Аёл кишининг фермер хўжалиги ишига бошчилик қилиши осон иш эмас, албатта. Умр йўлдоши Тўлқин Сапоевнинг ҳисобчи мутахассис экани Гулчеҳрахоннинг жонига ора кирди — эр-хотин ҳамжиҳатликда меҳнат қила бошладилар. Мана, олти йилдирки, фермер хўжалиги томонидан пахта, буғдой, пилла етиштириш бўйича шартнома режалари ортиғи билан бажарилмоқда.

...Қуёш эндигина бош кўтарганида «Инсон орзуси» фермер хўжалиги пахта даласида эдик. Пахтазор оппоқ рангга бурканибди. Чаноқлардаги пахта лўппи-лўппи, чигитлари тўқ. Бу албатта, фидокорона меҳнат самараси.

— Даладаги меҳнат завқисиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман, — дейди Гулчеҳра хурсанд оҳангда, — эрта баҳордан кеч кузгача даладамиз. Пахтачиликдаги асосий ишларни ўзимиз бажарамиз. Ўтган йили контрактация шартномасида белгиланган 40,4 тонна ўрнига 45 тонна пахта сотдик. Бу йил буғдойдан улкан хирмон кўтардик. Хўжалигимизда меҳнат қилганларнинг ҳар бири 500 килограммдан буғдой олишди. Ишлаб чарчамаймиз. Негаки, мустақиллик туфайли катта имкониятлар туғилди. Турмушимиз фаровон, ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ўзимизнинг чопиқ тракторимиз бор. Яқинда «Нексия» автомашинаси харид қилдик. Юртимиз тинч, оиламиз ҳам тинч. Турмуш ўртоғим билан ҳамфикрмиз, тўрт нафар фарзандимиз бахтиёр ўсишмоқда. Шахсан мен учун инсоннинг ҳақиқий бахти ана шу...

Сапоевлар оиласи ўзлари истиқомат қиладиган Ўрта Чирчиқ туманидаги Бешбой қишлоғи аҳли ўртасида ўзига яраша обрўга эга. Гулчеҳрахон йиғиннинг фаолларидан ҳисобланади — маҳаллада ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этилишида баҳоли қудрат иштирок этади. Оилавий турмушга доир масалалар юзасидан ёш оилалар билан суҳбатлар қўради, маслаҳатлар беради, лозим бўлса амалий ёрдамини ҳам аямайди. Бир сўз билан айтганда, фермер аёл маҳалладошларининг ўй-ташвишларию кувончларига шерик.

— Оқ-олтиндан, тез фурсатда хирмон уйишга киришамиз, — дейди Гулчеҳрахон кўтаринкилик билан. — Она замин бағрида етилган мана шу оппоқ неъмат бунёдкорлик ва яратувчанлик руҳида яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг қалбидаги эзгу, ёруғ ниятлардан ранг олгандек туюлади менга. Мана, яқинда худди шундай ёруғ орзу-ниятлар билан Истиқлол байрамини тантанали нишонладик.

Замондошимиз, фермер аёлнинг юракдан айтган бу сўзлари кишини тўлқинлантиради. Ҳа, Гулчеҳра ҳақ. Унинг қиёслашида маъно бор. Қалбида эса шукроналик, бахтиёрлик ҳисси мужассам. Дарҳақиқат, инсон бахти шу эмасми?!

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,
«Mahalla» мухбири.

Мумтоз адабиёт гулшанидан

САХИЙЛИК – фазилатлар афзали

Шарқ мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси, буюк сўфий, шайх Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий ҳазратларининг нафақат замондоши, балки дўсти ва маслакдоши бўлган. Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» асари замонлар оша яшаб келаётган абадий ибратлар, умуминсоний ҳикматларни ўз ичига жамлаб, имон-эътиқод мустаҳкамлиги ва покликка чорлаётгани, мутолаа қилувчи руҳиятига саодат бағишлаши билан бебаҳодир.

Азиз муштарий! Қуйида Абдураҳмон Жомийнинг ўтган йили «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан чоп этилган «Баҳористон» асаридан жой олган ҳикоятлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

* * *

Олий ҳиммат бир дарвеш шавкатли бир подшоҳ билан тез-тез кўришиб турар, ёқимли суҳбатлар қурар эди.

Кунлардан бирида у подшо пешонасида маломат изларини сезди, унинг сабабини ўйлаб, хаёли кезди, аммо ўзининг тез-тез келишидан бўлак сабаб кўрмади. Дарҳол подшо ҳузурига қатнамай қўйди ва у билан суҳбатдан ўзини тийди. Бир куни подшо йўл устида дарвешни учратиб қолди ва шундай сўроқни орага солди: «Эй дарвеш, не сабабдирким, мен билан алоқангни буздинг, бориш-келишдан қадамингни уздинг?» Дарвеш жавоб берди: «Сабаби шуки, мен келишимдан чеҳрангда малол кўргандан кўра, «нега келмайсан?» деган савол эшитиш яхшироқ эканини тушундим».

Дарвешдан ҳукмдор сўради: «Нечун
келмадинг олдимга бунчалик узоқ?»
Ул деди: «Нимага келдинг дегандан,
«Нимага келмадинг», деган яхшироқ!»

* * *

Ҳошимийлар авлодидан бўлган бир бола обрўли бир арбобга беадаблик қилди, боланинг амакисига шикоят етди. Амакиси унинг адабини бериб қўймоқни мақсад этди.

— Эй амаки, — деди бола. — Мен қилар ишимни қилиб қўйибман, ақлим йўқ экан, энди сен нима қилсанг қил, аммо унутмаки, сенинг ақлинг бор.

Биров аҳмоқона иш қилса сенга,
Олижаноблик қил озорин унут.
Нафс-ҳаво жаҳолат келмасин ғолиб,
Ақлинг фармонига мувофиқ иш тут.

* * *

Жаъфар ўғли Абдулло сафарда юриб, бир хурмозорга тушиб дам олар эди. Хурмозор посбони бир қора ғулом эди. Ғулом кундалик емаги учун уч дона нон олиб келган эди. Қандайдир бир ит пайдо бўлиб, ғулом ўз нонидан бирини унга ташлабди, ит апил-тапил ютиб бўлган эди, иккинчисини ҳам ташлади, буни ҳам еди, учинчисини ташлаган эди, уни ҳам ҳаммасини еб тугатди.

Шунда Абдулло ғуломга қараб:

— Сенинг кундалик емишинг нима? — деб сўради.

— Ҳозир кўрганинг, — деди қул.

— Нечун итни ўзингдан ортиқ сийладинг?

— Шунинг учунки, у узоқ йўлдан келган, мусофир, гумонимча оч, уни очқолдиргим келмади.

— Энди ўзинг нима ейсан?

— Бугун рўза тутаман, — деди қул.

«Ҳамма мени сахий дейди, аммо бу ғулом мендан ҳам сахийроқ экан», деб ўйлади Абдулло. Сўнгра хурмозорни ичидаги бор жиҳози ва посбон қули билан сотиб олди-да, қулга озодлик ёрлиғи битдириб, хурмозор боғни унга ҳадя этди.

Оч итга ўз луқма ошини бериб,
Ўзининг нафсини тиёлган инсон.
Қул бўлатуриб ҳам кўп озодларни,
Ўзига қул қилиб олмоғи осон.

СОҲИБҚИРОН ЮРТИ ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАДИ

Икки кун мобайнида Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган V анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов, вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев сўзга чиқиб, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган кураш мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбарининг бевосита қўллаб-қувватлаши туфайли жаҳондаги тараққий этаётган спорт турлари қаторидан ўрин олаётганлиги, тез орада Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олажагини алоҳида таъкидладилар.



Олимпиаданинг кумуш медали совриндори, ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ва ўз мамлакатининг тенгсиз спортчилари ҳисобланган бразилиялик Валтер Дос Сантос, эронлик Саид Хусравинежат мадҳия садолари остида мусобақа байроғини кўтаришди.

Мусобақа фақатгина мутлақ вазнда ўтказилганлиги боис 20 дан ошиқ давлатдан келган 80 нафардан зиёд спортчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда сараланишт боришди. Энг кучли дея ҳисобланган полвонлар ярим финалга қадар етиб келишди.

Ярим финалнинг дастлабки учрашувида Абдулла Тангриев самарқандлик Икром Нуриллаевни очколар ҳисобида таслим этган бўлса, бразилиялик Валтер Дос Сантосни мусобақа билан хайрлашишга мажбур қилган эронлик жаҳон чемпиони Саид Хусравинежат ушбу босқичнинг иккинчи учрашувида кореялик Чил Сунг Бэйга қарши гиламга чиқди. Кўпчилик яна эронлик полвоннинг ғалабасини башорат қилиб турган бир пайтда кореялик спортчи рақиби устидан ҳалол ғалабага эришди.

Финалда Абдулла Тангриев ва кореялик Чул Сунг Бэйг гиламга чиқишди. Беллашувга эронлик халқаро тоифадаги ҳакам Ризо Носирий старт берди. Тўрт дақиқа давом этган «жанг»да Тангриев бир неча бор ўзининг севимли «туячил» услубида рақибининг курагини ерга теккизишга уринди. Аммо кореялик спортчи ҳамюртимизнинг ҳамласини бартараф этишга уринди ва техник хатога йўл қўйди. Ҳакамлар эса унинг ҳаракатини «танбеҳ» ва «дакки» дея баҳолашди. Натижада финал баҳсида очколар ҳисобида ғалабага эришган Абдулла Тангриев кетма-кет иккинчи марта Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ғолибига айланди.

Ғолиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросимида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Абдулла Тангриевга бош соврин топширилди. Ғолиблар пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

МУҲАННИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Яқин кунлар ўзингиз жуда истаётгандек, яъни осуда ва тинч, бир маромда кечади. Бир-икки бор жиддий учрашувлардаги иштирокингизни айтмаса, яқин уч-тўрт кунда ғирт бекорчисиз.

СИГИР(22.04-20.05)

Бир йўла бир нечта жабҳада ғайрат билан ишлашингизга тўғри келади. Ҳамкорлар билан келишув, рўзғор ташвишлари, фарзандлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар... ҳаммасини ҳал қилишингиз шарт.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)

Қандай вазиятда бўлмасин, ўзингизни кўтаринки кайфиятда тутишга ҳаракат қилинг. Ишонинг, асабий оҳангда ҳеч бир масала ижобий ҳал бўлмаган. Айниқса, ҳамкорлар билан хушмуомала бўлинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Агар ўз режаларингизни оғишмай амалга оширсангиз ва фикрингизда қатъий тура олсангиз, сизнинг қаршингизда битмайдиган ишнинг ўзи қолмайди. Ҳар қандай маслаҳатгўйдан узоқроқ юринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Кейинги пайтда сизга тинчлик бермаётган, ҳаловатингизни ўғирлаган ташвиш-муаммолар кўплигига қарамай, бироз дам олишга ҳақлисиз. Агар соғлом турмуш тарзига амал қилолсангиз, нур устига нур.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Кўнгилли-кўнгилсиз турли воқеа-ҳодисалар туфайли асосий фаолиятингиз иккинчи даражали масала бўлиб қолмасин. Чунки яқин кунларда моддий манфаатдорлик кўришингиз эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Кам сўзла, кўпроқ ишла, деган мақолни эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз ҳам яқин кунларда ҳар юмушда, ҳатто ҳордиқ онларида ҳам шу мақолга амал қилсангиз, ҳамёнингиз оғиргинаю руҳингиз енгилгина бўлади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Баъзи бир муаммоларни яқинларингиз кўмагисиз ҳал қилиб бўлмаслигини ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак. Ҳозир айнан шундай вазиятдасиз. Кўп ўйлаб ўтирмай, таваккал қилаверинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Яқин кунларда бажаришингиз керак бўлган ишларни режалаштиришдан аввал вақтингиз ва имкониятларингизни чамалаб кўрсангиз ёмон бўлмайди, жумладан, яқинларингизга ваъда беришда ҳам.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Ота-она ва фарзандлар муносабатида вақти-вақти билан кескинликлар юзага келиб туради, бу ҳеч кимга сир эмас. Яқин кунларда шунга ўхшаш вазиятга дуч келишингиз эҳтимоли йўқ эмас.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Катта харидлар, совға-салом олишда бироз тежамлироқ бўлинг. Яқин кунларда амалга ошиши ва сизга молиявий манфаат келтириши керак бўлган ишнинг битиши бироз муддатга кечикади.

БАЛИК (19.02-20.03)

Саломатлигингиз ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган фурсат аллақачон етган. Бу ишни орттга сурган билан вақт ўтавераді, аммо муаммоларингиз камайиб қолмайди.

Донолар бисотидан

Кўп гапирувчи, кўп егувчи — дўзах тўрига ошиқиб кетувчи. Сўзламоққа берилган, емоққа қул бўлган одам билим шарофатидан маҳрум бўлади.

Алишер НАВОИЙ

Ақлли бўлишнинг ўзи етарли эмас. Энг асосийси ақлни амалда қўллай билишдадир.

Рене ДЕКАРТ

Фалокатга дучор бўлишни истамасанг, мағрур ва мутакаббир бўлма. Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил. Хор-зорликни истамасанг, таъмагир бўлма.

Саййид Али ХАМАДОНИЙ

Кўрдимки, вақтини «эссиз», «қанийди», «кошки»лар билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин КУБРО

Уққанга баллиі

Томорқамиздаги дарахтларни, полиз экинларию гулу гулзорларни қанчалик эътибор ва меҳр билан парвариш қилсак, шунга яраша ҳосил оламиз. Бу ҳақда «Зироатнома» китобида (XV-XVI асрлар) ҳам қуйидагича қизиқарли маълумот зикр этилган: «Агар дарахт мева қилмаса, киши қўлига болта олиб, ғазабнок ҳолда дарахтга: «Сени таг-томиринг билан кесиб ташламасамми!», деб даҳдаға қилади. Бошқа биров эса дарахтни ҳимоя қилган бўлади: «Бу йилча тегма, келаси йил, албатта, мева қилади!», дейди. Худо фармони билан дарахт келаси йил мева қилиши тажрибада синалган».

КУНГАБОҚАР нега ҒАМГИН?!

Олимларнинг ўсимликлар ҳам тирик жон экани, ўзига нисбатан қандай муносабатда бўлинаётганини ҳис этиши ҳақидаги хулосалари айримлар ўйлаганидек уйдирма эмас, албатта. Томорқада одатдаги юмушлар билан андармон эдим. Туйқусдан кунгабоқарларнинг бош эгиб туриши менга эриш туюлиб кетди. Уруғи, ёғи, гули, япроқлари инсон саломатлиги учун ғоятда фойдали бўлган бу ажойиб ўсимликларнинг ўсиши ва ўзгаришини анчадан буён синчиклаб кузатаман. Кейинги пайтларда негадир уларнинг кўринишида жиддий ўзгариш бўлаётгандек, қуёшдек порлаб турган боши эса ҳам. Даставвал меваси тўлишаётганидан бўлса керак-да, деб ўйладим. Йўқ, ундай эмас, шекилли. Балки улар биз — инсонларнинг муносабатимиздан норози бўлишаётгандир? Ахир кўча-кўйда, бекатларда, хиёбон йўлкаларида писта пўчоқлари ер билан битта бўлиб сочилиб ётишини ҳаммамиз яхши биламиз. Балки жамоат жойларида писта чақишни, сотишни ман қилиш бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олар? Ёки атроф-муҳитни ифлослантираётганларга нисбатан бирон чора кўриш керакмикан? Жуда кўп фойда келтирганига қарамай инсонлар томонидан оёқ ости қилинса, кунгабоқар хафа бўлмай ким хафа бўлсин?!

Балки кунгабоқарнинг бош эгиб туришига бундай маъно беришимиз ғалатироқ туюлар. Аслида мақсадимиз кунгабоқарнинг эгилиб туришини эмас, ўз таъбимиз, табиатимизни тош-тарозуга солиш. Чунки давр талаби атроф-муҳитни озода сақлаш, экологик вазиятни яхшилаш учун оилада, боғча ва мактабларда, маҳаллаларда тарғибот ишларини янада жонлантирилишини тақозо этмоқда. Энг аввало, ҳар биримиз табиатимиздаги лоқайдлик ва беэътиборликка чек қўйиб, юксак маданиятли бўлишга ва фарзандларимизни ҳам шундай тарбиялашга интилмоғимиз, маҳалламиз, кўчамиз, хонадонимиз озодалиги, кўркамлигида ўзимизни масъул деб билмоғимиз жоиз. Зеро, бундай фазилатлар бизга бегона эмас, аждодларимиздан мерос қадрият.

Нодир ОТАЖОНОВ

Ўтмишдан садо

«ВАСИҚАЛАР ТЎПЛАМИ» – МУҲИМ ТАРИХИЙ МАНБА

Турли даврларга оид қўлёзма асарлар, тарихий ва ҳуқуқий ҳужжатлар халқимизнинг ўтмиши, маданияти, адабиёти ва санъати, турмуш тарзини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Бунда, айниқса, тарихий ҳужжатлар муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида ўн мингдан зиёд ана шундай ҳужжатлар сақланмоқда. Мазкур ҳужжатларда мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётига доир масалалар, жумладан, давлат тузуми, ер-сув, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, дипломатик муносабатлар ва бошқа соҳаларга оид қимматли маълумотлар мавжуд.

XVI асрда битилган Самарқанд қозиларининг ҳужжатлари — «Васиқалар тўплами» тарихий маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. «Васиқалар тўплами» жами 735 та ҳужжатни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатларни мазмун-моҳиятига кўра уч қисмга бўлиш мумкин. Улар орасида «Ахборот», «Байъи жойиз», «Байъи боти ботот», «Шогирдлик вазифаси», «Фарзандликка бериш», «Фарзи нафақа», «Васий тайинлаш», «Дўкон ва бошқа нарсаларни ижарага бериш», «Хатти талоқ» ва бошқа муҳим масалаларга оид ҳужжатлар салмоқли ўрин эгаллайди. Тўпламдаги ҳужжатларнинг деярли ҳаммаси Ўрта Осиё халқлари ҳаётига, хусусан, Самарқанд шаҳри ва унга қарашли туманларга алоқадор бўлиб, кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалаларни қамраб олган.

«Васиқалар тўплами»да савдо-сотиқ ишларига доир бўлган масалалар, ижара, шогирдлик тартиблари, чорва, ҳовли, дўкон, ер олиб сотиш қандай ва қай тарзда амалга оширилгани тўғрисида аниқ ва қимматли маълумотлар бор. Ҳужжатларда васиқага кирган ерларнинг чегаралари, сотилган нархи, одамларнинг касб-кори, исмлари, миллати аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари, улардан XVI асрда Самарқанд шаҳрида мавжуд бўлган маҳаллалар, 250 га яқин кўча, умуман шаҳар топографияси ҳақида ҳам талай маълумот олиш мумкин. Тўпламга кирган ҳужжатларда ўша давр ҳунармандчилигининг кулолчилик, темирчилик, пичоқсозлик, бўёқчилик, заргарлик, мисгарлик, зардўзлик, этикдўзлик, эгарсозлик ва бешиксозлик, мўйнадўзлик, китоб муқоваловчилик сингари тўқсондан ортиқ турлари ҳақида қизиқарли маълумотлар қайд этилган. Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида тузилган ҳужжатлар ўрта асрларда дўкон, устахона ва уй-жойларни гаровга қўйиш кенг тарқалганлигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Васиқалар тўплами» тарихчи олимлар учун ҳам, қонуншунослар учун ҳам ноёб манба ҳисобланади. Қуйида тўпламдаги айрим ҳужжатлардан намуналар келтирамиз:

«Ҳижрий 998 йил сафар ойининг ўн еттинчи (1589 йил 27 декабр) кунида Бадр Муҳаммад ибн устод Муҳаммад Али шариатда тўғри иқрор қилди: шаръан ўз ихтиёримда бўлган Султон Али номли сағир укамни устод Назар Муҳаммад олачабоф ибн устод Дўст Алига 3 йил муддат билан муомалада бўлган тўрт минг динор фулус пул бадалига шогирдликка бердим. Шу муддат ичида устод ҳар қандай қонуний иш бўлса, тоқати борича ва қудрати етгунча бажо келтиради ва яна мазкур устод юқорида зикр этилган тўрт минг динор фулусдан икки минги бадалига олачабофлик ва унга тегишли ҳунарни, шу санъат усталари ёқтирадиган даражада ўргатсин ва яна устозга қолган пул бадалига мазкур сағирнинг нафақасини таъмин этиб, овқатга ва уст-бошига сарф қилсин, деб ижозат бераман.

Васиқа ишончли кишилар ҳузурида тузилди, гувоҳлар бор».

Ҳунарманд усталар бошқа маҳалла, шаҳар ёки қишлоқ болаларини шогирдликка олганда икки ўртада ёзма шартнома тузилган. 1589-1590 йилларда Самарқандда расмийлаштирилган шундай шартномалардан 25 таси бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Шогирдликка берилганларнинг кўпчилиги отаси йўқ, етим бўлгани туфайли шартнома боланинг онаси ёки акаси билан уста ўртасида тузилган. Ёки турли сабабларга кўра, ота-она фарзандини бировнинг тарбиясига беришга мажбур бўлган ҳолларда ҳам қуйидаги тартибда ҳужжат имзоланган:

«Ҳижрий 999 йил учинчи рамазон ойи (1591 йил 26 июн)да Ҳасан ибн Дарвеш Муҳаммад ўз эгалиги юриб турган ҳолда, «ўз фарзандим сағир Назирабекани устод Пири қизи Оғабегига фарзандлик учун бердим, токи у оналик шафқати билан унга имон ва исломдан таълим ўргатсин. Шу кундан бошлаб, ҳар куни икки динор майда мис чақа маблағни мазкур сағиранинг сарф-харажати учун белгиладим», деб шаръан тўғри иқрор бўлди ва «мана шу сингари масалаларда менга мурожаат қилсин», деб эътироф қилди.

Васиқа холис кишилар ҳузурида тузилди».

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

ООО «AZIZBEK OLIMJON SERVIS» расположенное по адресу: г. Ташкент Бектемирский район ул. Х.Байкаро № 9 (ИНН 300294995) (код по окпо 21468581) зарегистрированное Мин. Юстиции РУз под № 000445 26.02.2007 г. на основании протокола собрания учредителей № 2/3 от 9 сентября 2008 г. ликвидируется .Притензии принимаются в течение 2 месяцев с момента публикации объявления.

Махкамова Умида Махамаджоновна номига 30.07.2008 йилда берилган ер участкасига 1007010102-5021 ва бино иншоотига 1007010102-5021-0001-069 рақамли кадастр ҳужжатлари, шунингдек, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ц-5 51-уй 69-хонадонга берилган олдисотти шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утерянное шаходатнома о девятилетнем оброзовании № 2901999 выданный средней школой № 253 Юнус-Абадского р-на г.Ташкента в 2007 г. на имя Саидмухамедовой Мухлисы считать недействительным.

ГДП «Назарбекавтоасфальт» Мирзо Улугбекского р-на г.Ташкента ликвидируется. Притензии принимаются по адресу: г.Ташкент ул. Садыкова, 15.

Mahalla
2008 йил 10 сентябрь
37 (639)

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: Бектош Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: Муҳайё Боймуродова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

12209 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 21.00
1 3 4 5 6